

ТАСДИҚЛАЙМАН
Бюро директорининг
биринчи ўринбосари



Ш.Б. Хайдаров

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги
Мажбурий ижро бюроси "Алимент жазо эмас, отанинг фарзанд
олдидаги мажбуриятидир!" номли ижтимоий ролигини тайёрлаб
бериш хизматларини бажариш бўйича

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

Тошкент 2022 йил

РОЛИК НОМЛАНИШИ :

Алимент жазо эмас, отанинг фарзанд олдидаги мажбуриятидир!

РОЛИКНИНГ ТАВСИФИ ВА МАҚСАДИ:

Жамиятимизда алимент тўловидан бўйин товлаб келаётган ва имконияти бўла туриб ўз фарзандларига бефарқ келаётган айрим оталарнинг ҳаракатлари ифодаланади.

Мажбурий ижро бюроси давлат ижрочиси қарздор отага аччиқ ва таъсирли сўзлар билан алимент тўлашга бўлган масъулиятни оширишга, бошқаларни эса ён-атрофидаги оилалар ва етим болаларнинг ҳаётига, қисматига бефарқ бўлмасликка ундайди.

Роликдаги бадииятнинг таъсири орқали, алимент тўлайдиган оталар кўнглида фарзандига нисбатан меҳрни кучайтириш, МИБ ходимларига нисбатан одамларда шакланган баъзи нотўғри тушунчаларни ижобий томонга ўзгартириш ва МИБ ходими персонажи орқали бу касб эгаларининг асл ички дунёсини, инсонийлигини кўрсатиб ўтиш мақсад қилинган.

ТАСВИРГА ОЛИШ ОБЪЕКТЛАРИ:

- Кўча, банкومات, кафе олди, кўп қаватли уй олдиларида тасвирга олиниши режалаштирилган. Ролик сюжетида мос равишда тасвирга олиш объектлари ўзгартирилиши мумкин.

АКТЁРЛАР ЖАМОАСИ:

- Актёр - сўз ва дубляж устаси, театр ва кино актёри, шоир, сценарийнавис, режисёр таниқли актёр барча ёшдаги одамларнинг ролини ижро эта оладиган бўлиши.

- 12-13 ёшдаги қиз бола.

ДАВОМИЙЛИГИ:

- 2 дақиқадан 4 дақиқагача. *(сценарийнинг мақсад ва моҳиятни тўла очиб бера оладиган матнига қараб)*

ЗАРУР ТЕХНИКАЛАР:

- Тасвирга олиш учун зарур чироқлар жамланмаси ва ёрдамчи воситалар.

- Профессионал камера – SONY PXW-Z190 *(қўшимча объективлар билан)*.

- RUNIN мосламаси

- JMARY AL-21 чироқлари ва заруриятга кўра бошқа жиҳозлар билан тасвирга олиниши талаб этилади.

**Жамоатчилик билан
алоқалар ва ҳуқуқий
ахборот бўлими бошлиғи**



Ф.А.Тошпулатов